

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ
ИНСТИТУТИ**

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

“Геодезия ва ер кадастри” кафедраси

**Ердан фойдаланишда интеграцион бошқарув
фанидан**

КУРС ИШИ

**Мавзу: Ер ресурсларини бошқаришда ноқишлоқ
хўжалиги учун ер ажратишнинг аҳамияти
(Жиззах вилояти Арнасой туманидаги Олтин водий массиви
худудидан намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш учун ер
ажратиш мисолида)**

Бажарди: 119-гуруҳ магистранти

Ж.Лапасов

Қабул қилди: г.ф.н., кат.ўқ

О.Рўзикулова

Тошкент – 2014

КИРИШ

Ер жамият бойлигининг манбаи, инсоният учун моддий бойликлар яратиш ва ишлаб чиқаришни хом-ашё билан таъминлашнинг табиий негизидир. Моддий бойликларни ишлаб чиқариш жараёнида ер асос (базис) ва ишлаб чиқариш воситаси сифатида қатнашади. Маълумки, кейинги йилларда қишлоқларимиз қиёфаси бутунлай ўзгариб, янада чирой очмоқда. Буни намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган ҳар томонлама қулай тураржойлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Бу борада тўпланган Ўзбекистон тажрибаси халқаро миқёсда ҳам эътибор қозониб, юқори баҳоланаётгани, айниқса, диққатга сазовордир. Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда Президентимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида

қишлоқ жойларни ободонлаштириш, замонавий тураржой массивларини барпо этиш бўйича ўзига хос янги тизим яратилди. У жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози айна авжига чиққан йилларда муваффақиятли амалга оширила бошлангани натижасида мамлакатимизнинг

барча ҳудудларида янги ва обод манзиллар пайдо бўлди.

Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши соҳаси муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун улкан аҳамиятга эга экани, қурилиш билан боғлиқ кўплаб тармоқлар ва бутун мамлакат иқтисодиётининг мутаносиб ривожланиши ҳамда барқарор ўсиш суръатларини таъминлайдиган энг муҳим омил эканини ҳисобга оладиган бўлсак, қишлоқда уй-жой қурилишининг роли ҳақидаги мавзунинг долзарблиги тўғрисида гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Эксперт

Қишлоқларда такомиллаштирилган замонавий лойиҳалар асосида янги уй-жойлар қуриш ва қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс равишда ривожлантириш – бу, аввало, одамларнинг турмуш тарзи ва менталитетини тубдан ўзгартириш бўйича эзгу мақсадларни кўзлайдиган қишлоқ аҳолиси ҳаётини сифатли таъкил этиш ва яхшилашга доир узоқ муддатли давлат дастурининг асосий маъно-мазмунини таъкил этади.

Ислом Каримов

марказларининг маълумотларига кўра, иқтисодий ривожланган давлатларда инвестициялар таркибида умумий сармоялар ҳажмининг 20 фоизидан 40 фоизигача бўлган улуши айнан уй-жой қурилиши соҳасига тўғри келаётгани, албатта, бежиз эмас. Бугунги кунда уй-жой қурилиши ва иқтисодиётнинг мазкур соҳа билан боғлиқ тармоқларини ривожлантириш молия тизимини шакллантириш ва барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим бўғинларидан бири ҳамда банклар активлари ва ишончли ресурс базасининг мустаҳкам манбаи бўлиб қолмоқда. Бу ҳолат жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi ҳамон давом этаётган ҳозирги шароитда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бундай шароитда уй-жой қурилиши ва у билан биргаликда ривожланадиган инфратузилма — коммунал ва ижтимоий сектор, транспорт ва коммуникация тармоқлари, замонавий қурилиш материаллари ҳамда конструкцияларини ишлаб чиқариш капитал ва инвестицияларни жалб этиш, шунингдек, энг мураккаб ва жиддий ижтимоий масалалардан бири — аҳоли бандлиги муаммосини ҳал этишнинг ғоят мақбул ва самарали соҳаси сифатида хизмат қила оладиган ҳамда хизмат қилиши лозим бўлган йўналишга айланмоқда. Аксарият давлатларнинг тарихий тажрибаси шундан далолат берадики, уй-жой қурилиши ва инфратузилма соҳасини тараққиётнинг устувор йўналиши сифатида белгилаш миллий иқтисодиётни қайта тиклашнинг ҳал қилувчи воситаси бўлиб хизмат қилади. Мамлакатимиз қишлоқларида намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши 2010 йилда 6800 та, 2011 йилда 7400 та, 2012 йилда 8500 тани ташкил этди. 2013 йилда эса жами 10000 та намунавий лойиҳалар асосида якка тартибда уй-жойлар қурилиб фойдаланишга топширилиши режалаштирилди.

Ер тузиш Ўзбекистон Республикасининг "Ер кодекси" асосида олиб борилади. У ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар ва ҳукуматимиз қарорларининг амалга оширилишини таъминловчи давлат тадбирлари тизими ҳисобланиб, халқ ҳўжалиги тармоқлари орасида ва тармоқлар ичида

олиб борилади. У давлатимизнинг ер тўғрисидаги қонунларини ҳаётга тадбиқ қилишга қаратилган тадбирлар тизими бўлиб, у ер ва ер билан боғлиқ ишлаб чиқариш воситаларидан, меҳнат ресурсларидан тўла, оқилона ва самарали фойдаланишга, ерни ва табиатни муҳофаза қилишга қаратилгандир. Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида ер тузиш ишларининг аҳамияти жуда катта. Бу соҳада янги қишлоқ хўжалик корхоналарини ташкил қилиш, эскиларини такомиллаштириш ва уларнинг ер майдонларини ташкил қилиш ишлари илмий асосланган лойиҳалар тузишни тақозо этади. Ер тузиш ишларининг таркиби асосан халқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш талабларидан келиб чиқади. Ҳозирги даврда ер тузиш ишлари қуйидаги асосий вазифаларни ўз ичига олади:

- топография, геодезия, хариташунослик, геоботаника, тупроқ ва бошқа ер тузиш учун зарур изланишларни ўтказиш;

- республикамизда ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш Бош чизмасини, Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва туманлар ер тузиш чизмаларини ишлаш;

- ерни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ лойиҳаларини тузиш;

- янги хўжаликларни ташкил қилиш ва мавжуд хўжаликларнинг ер майдонлари жойлашувидаги камчиликларни тугатиш, хўжаликларга ер майдонларини ажратиш лойиҳаларини тузиш;

- хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳаларини ишлаш;

- табиатни муҳофаза қилишда катта аҳамиятга эга бўлган ер майдонларини аниқлаш ва у ерларда табиатни муҳофаза қилишга қаратилган ишларни ташкил қилиш, шунингдек табиатнинг хушманзара жойларида дам олиш масканлари ва қўриқхоналар ташкил қилиш ва бошқ.

Битирув малакавий ишининг мақсади Жиззах вилояти Арнасой туманидаги Олтин водий массиви ҳудудидан намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш учун ер ажратиш масалаларига бағишланган лойиҳани ишлаш.

Битирув малакавий ишида қўйилган вазифаларни бажариш учун куйидаги материаллар ва маълумотлар асос бўлиб хизмат қилади:

1. Массив ҳудудининг табиий ва иқтисодий шароитларини тавсифловчи умумий маълумотлар;
2. Массив ҳудудида ер турлари ва қишлоқ хўжалик экинларининг амалда жойлашуви тархи;
3. Контурлар бўйича майдон ҳисоблаш қайдномаси;
4. Наъмунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш учун ер танлаш ва ажратиш билан боғлиқ ҳужжатлар.

**I БОБ. МАССИВ ҲУДУДИНИНГ ТАБИЙЙ,
ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ШАРОИТЛАРИ
ТАВСИФИ**

1.1. Массив тўғрисида умумий маълумотлар

Олтин водий массиви Арнасой туманининг шимолий қисмида жойлашган. Массив ҳудуди шимолдан – Дўстлик тумани ерлари билан, шарқдан – Пахтакор тумани ерлари билан, жанубдан - Бобо Файзиев номли массив ерлари билан, жанубий-ғарбдан Ғаллаорол массиви ерлари билан, ғарбдан эса туман маркази Ғолиблар шаҳарчаси ерлари билан чегарадош. Массив чегарасидаги умумий ер майдони 2644,4 га ташкил қилади. Ҳудуд ягона ер участкасидан иборат бўлиб, шакли буйича ихчамлилик коэффиценти 1.5 тенг.

Массив ҳудудида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг асосий ишлаб чиқариш йўналиши деҳқончиликка (пахтачилик ва ғаллачилик) ихтисослашган бўлсада шу билан бир каторда, ёрдамчи тармоқ сифатида боғдорчилик ҳам ривожланмоқда. Қишлоқ хўжалик ер турлари таркибида ҳайдалма ерлар (91,39%) энг юқори ҳажмни эгаллайди. Массив ҳудуди туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими маълумотларига кўра 2012 йилда 34 фермер хўжаликларига бириктириб берилган. Массив вилоят маркази – Жиззах шаҳри ва туман маркази – Ғолиблар шаҳарчаси ҳамда маҳсулот қабул қилиш пунктлари билан асфальт йўллар орқали боғланган. Массив маркази Олтин водий қишлоғидан туман марказигача бўлган масофа 1,2 км, вилоят марказигача 64.8 км ташкил этади.

1.2. Табiiй шароитлари (иқлими, рельефи, тупроқлари) тавсифи

Иқлими. Иқлим шароитлари бўйича массив жойлашган ҳудуд кескин континентал бўлиб текислик ва пасттекислик зонасига киради. Иқлимнинг алоҳида кўрсаткичлари ёғингарчилик миқдорининг камлиги, ёзда ҳароратнинг юқори бўлиши, қиш ойларида эса ҳароратнинг пасайиши, ҳавонинг қуруқлиги ва буғланишнинг юқорилиги билан ажралиб туради.

Январда ўртача ойлик ҳарорат $-2,3^{\circ}$ С ташкил этади. Ҳавонинг энг совуқ ҳарорати -23° С. Совуқ бўлмаган вақт 242 кундан иборат.

Ёз ойи иссиқ, июлда ўртача ойлик ҳаво ҳарорати 30°C тенг бўлиб, энг иссиқ ҳарорат июл ойида 42°C ташкил этади. Йиллик ёғингарчилик миқдори 150-300 мм ни ташкил қилади. Иқлимнинг “Жиззах” метеостанция бўйича кўп йиллик ўртача маълумотлари 1-жадвалда келтирилган.

Рельефи. Массивнинг ҳудуди рельефи асосан текисликдан ва пасттекисликдан иборат. Узоқ муддатли суғориш ва агротехника ишларини олиб бориш натижасида рельеф ўзининг бугунги кундаги маданий кўринишини олган. Массив ҳудуди куйидаги геоморфологик ажратмада жойлашаган: Аллювиал-пролювиал ва лессли ётқизиклардан ташкил топган Жиззах ёйилмасини ташқи қисми текисликдан иборат, рельефи бўйича текислик ва кам нишабли паст-баландликдир. Механик таркиби бўйича ўртача ва енгил қумоқли, қумоқли ва кам тошли ерлардан иборат, ўртача шўрланган.

Тупроқлари. Массив ҳудудида жойлашган тупроқлар Ўрта Осиё минтақасининг Аллювиал-пролювиал ва лессли ётқизиклардан ташкил топган Жиззах ёйилмасини ташқи қисмидаги янгидан суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлардан иборат. Тупроқларнинг ўзлаштириш даври ва маданийлашганлиги, механик таркиби, чиринди қатлами қалинлиги, шўрланганлик даражаси, бонитет баллари ва майдони тавсифи 2-жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

Жиззах метеостанциясининг иқлим бўйича кўп йиллик ўртача маълумотлари

№	Кўрсаткичлар	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йил
1	Ҳарорат, °C ўртача юқори паст	-2.3 16 -20	0.2 2 -23	9.0 30 -22	16.4 36 -4	20.7 39 5	25.0 42 8	26.3 41 12	25.1 41 10	20.2 37 4	13.2 32 -4	6.4 24 -14	0.2 19 -26	13.4 42 -26
2	Ёгингарчилик миқдори, мм	24	19	30	19	20	8	6	2	4	18	19	19	188
3 а	Шамол: румблар бўйича такрорланиши, %													
	Ш	2	3	3	4	4	4	3	1	4	1	3	3	3
	ШШҚ	27	27	19	14	15	19	11	4	4	10	15	23	16
	ШҚ	29	25	20	15	18	19	14	5	4	15	25	29	18
	ЖШҚ	2	5	2	1	3	3	1	3	3	5	2	3	3
	Ж	0	1	2	3	4	5	6	6	6	7	4	2	4
	ЖҒ	19	19	26	32	29	28	38	53	48	34	24	22	31
	Ғ	20	19	27	29	24	21	26	28	29	28	26	17	24
	ШҒ	1	1	1	2	3	1	1	0	2	0	1	1	1
б	Шамолнинг ўртача тезлиги, м/с	1.1	1.5	1.9	2.0	1.8	1.6	1.3	1.1	1.2	1.5	1.3	1.2	1.5

Тупроқ экспликацияси

Тупроқ айирмалари	Механик таркиби			Гумус		Шўрланиш даражаси	Зичлик	Майдони, га		Бони тет балли
	0-30 см	30-100 см	100-200 см	Қатлам қалинлиг и	%			Умумий	Хайдалма ер, қўп йиллик дарактзор	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
Аллювиал-пролювиал ва лессли ётқизиқлардан ташкил топган Жиззах ёйилмасини ташкил қисми. Янгидан суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар.										
1	Оғир кумоқли	Оғир кумоқлар	Енгил кумоқлар ва қум	50	0.62	Қучсиз	Ўрта	30,4	15,2	54
2	Оғир кумоқли	Оғир кумоқлар	Енгил ва оғир кумоқлар	50	0.56	Қучсиз	Ўрта	43,7	33,2	40
3	Ўрта кумоқли	Қумлоқ	Енгил кумоқлар ва қум	50	0.62	Ювилган	Ўрта	121,3	42,1	43
4	Ўрта кумоқли	Ўрта, оғир ва енгил кумоқлар	Ўрта, оғир ва енгил кумоқлар	50	0.59	Ювилган	Ўрта	125,4	68	50
5	Ўрта кумоқли	Қумлоқ	Енгил кумоқлар ва қум	45	0.53	Қучсиз	Ўрта	40,2	15,1	56
6	Ўрта кумоқли	Қумлоқ	Енгил ва ўрта кумоқлар	45	0.49	Қучсиз	Ўрта	36,7	220,3	40

7	Ўрта қумоқли	Ўрта ва енгил қумоқлар	Ўрта, оғир ва енгил қумоқлар	50	0.62	Кучсиз	Ўрта	151,2	151,1	46
8	Ўрта қумоқли	Ўрта қумоқлар	Ўрта, оғир ва енгил қумоқлар ва қум	50	0.62	Ўрта	Ўрта	140,2	91	47
9	Енгил қумоқли	Енгил қумоқлар ва қумлоқ	Енгил қумоқлар ва қум	45	0.44	Ювилган	Ўрта	120,3	78,6	41
10	Енгил қумоқли	Қумлоқ ва ўрта қумоқлар	Енгил, ўрта қумоқлар ва қум	45	0.63	Ювилган	Ўрта	239,1	220,1	48
11	Енгил қумоқли	Қумлоқ, ўрта ва оғир қумоқлар	Енгил, оғир қумоқлар ва қум	45	0.46	Ювилган	Ўрта	172,9	72,1	41
12	Енгил қумоқли	Енгил қумоқлар ва қумлоқ	Енгил, оғир қумоқлар ва қум	45	0.47	Кучсиз	Ўрта	120,6	92,5	41
13	Енгил қумоқли	Ўрта қумоқлар ва қумлоқ	Енгил, оғир ва ўрта қумоқлар	45	0.52	Кучсиз	Ўрта	123,5	101,2	58
14	Енгил қумоқли	Ўрта ва енгил қумоқлар	Ўрта ва енгил қумоқлар	45	0.61	Кучсиз	Ўрта	125,7	101,3	49

15	Енгил кумоқли	Қумлоқ	Енгил кумоқлар ва қум	40	0.45	Ўрта	Ўрта	85,4	78,5	35
----	---------------	--------	-----------------------	----	------	------	------	------	------	----

2-жадвалнинг давоми

16	Енгил кумоқли	Енгил кумоқлар	Енгил кумоқлар ва кум	40	0.60	Ўрта	Ўрта	31,8	61,2	51
17	Енгил кумоқли	Енгил кумоқлар ва кумлоқ	Енгил кумоқлар ва кумлоқ	40	0.48	Ўрта	Ўрта	56,3	48,3	43
18	Қумлоқ	Қумлоқ ва ўрта кумоқлар	Енгил, оғир кумоқлар ва кум	35	0.42	Ювилган	Ўрта	320,5	261	39
19	Қумлоқ	Қумлоқ	Енгил, ўрта ва оғир кумоқлар	35	0.41	Ювилган	Ўрта	82,6	90	57
20	Қумлоқ	Қумлоқ ва ўрта кумоқлар	Ўрта кумоқлар ва кумлоқ	35	0.41	Кучсиз	Ўрта	151	118,8	42
21	Қум	Қум	Қум	30	0.52	Ювилган	Ўрта	18,4	16,1	63
22	Қум	Қум	Қум	30	0.37	Ўрта	Ўрта	19,8	15,9	37
23	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар							192,6	Ўрта	192,6
24	Сувли юзалар							94,8	Ўрта	
Жами:								2644,4	1991,6	

Массив бўйича тупроқларнинг ўртача ҳисобланган бонитет балли: **45 балл**га тенг

1.3. Массив худудида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг ердан фойдаланиш тавсифи.

2012 йил 1 январь ҳолатига нисбатан Олтин Водий массиви худудида 2644,4 га ер майдони мавжуд. Массивда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг ер майдонлари бўйича тавсифи 3- жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Массив худудидаги ердан фойдаланувчиларга бириктирилган ер фонди (2012 йил 1 январ ҳолати бўйича)

Т/р	Ер турлари	Шу жумладан		
		Умумий майдони,га	Умумий майдонга нисбатан, % ҳисобида	Қишлоқ хўжалик ерларига нисбатан, % ҳисобида
1	Ҳайдалма ерлар:	1944.5	73.6	95
2	Боғлар	13.2	0.5	0.64
3	Бўз ерлар	69.5	2,6	3.4
4	Ўтлоқ ва яйловлар	18.5	0,7	0.96
	Жами қишлоқ хўжалик ер турлари	2045.7		100.0
4	Томорқа ерлари	141.5	5,4	
5	Ихота дарахтлари ва теракзор	55.6	2.1	
6	Ариқ, каналлар ва зовурлар	225.5	8.5	
7	Йўллар	46.1	1,7	
8	Қурилишлар, кўчалар, саройлар ва майдонлар	96.8	3,7	
9	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар	33.2	1,2	
	Хўжаликка бириктирилган ерлар, жами	2644.4	100.0	

3-жадвал маълумотларидан кўринадики, массив умумий майдонининг 73.6 %, яъни 1944.5 га ҳайдалма ерлар ташкил қилади. Дарахтзорлар майдони 68.8 га, бу эса умумий майдоннинг 2.6 % ташкил этади, шу жумладан боғлар

майдони 13.2 га ташкил этади. Жами қишлоқ хўжалик ерлари 2045.7 га бўлиб, умумий ер майдонининг 77.34 % ташкил қилади. Томорқа ерлари майдони 141.5 га бўлиб, бу умумий ер майдонининг 0,54% ташкил этади.

Массив ҳудудида ўзга ердан фойдаланувчилар ҳам мавжуд бўлиб уларнинг таркиби ва бириктирилган майдонлари тавсифи 4-жадвалда келтирилган.

4-Жадвал

Массивда ўзга ердан фойдаланувчилар рўйхати

№	Ўзга ердан фойдаланувчилар номи	Майдони, га
1	Туман халқ таълимига қарашли мактаблар	1.9
2	Жиззах вилоят автомобил йўллари бошқармасига қарашли ерлар	4.3
	Жами	6.3

4-жадвал маълумотларига кўра массив ҳудудида 2 та ўзга ердан фойдаланувчи мавжуд бўлиб уларга бириктирилган майдон 6,3 га ташкил этади.

Массив ҳудудида фермер хўжаликлари ташкил этилиши натижасида майдонлар фермер хўжаликларига тақсимлаб берилди. Фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдонлари ва ер турлари ҳақидаги 2012 й 1 январ ҳолатига бўлган маълумот 5-жадвалда келтирилган.

Фермер хўжаликларининг ер турлари бўйича майдонлари

№	Фермер хўжалиги номи	Ишлаб чиқариш йўналиши	Умумий ер майдони, га	Хайдалма ерлар, га	Боғ, га	Тут зор га	Жами қ/х ер турлари, га	Арик лар зовур лар, га	Йўл- лар, га	Қури лишлар, га	Бош қа ерлар, га
1	Фориш	Пахта-ғаллачилик	58,9	45,8	4,3	4,5	54,6	1,2	0,2	2,2	0,2
2	Уста Эшбой	Пахта-ғаллачилик	92,2	83,6	0	3,9	87,5	2,8	0,2	0,2	0,5
3	Тераклисой боғлари	Пахта-ғаллачилик	29,5	23,8	0	3,9	27,7	0,5	0,2	0,2	0,1
4	Ўрол набираси Адхам	Пахта-ғаллачилик	45,8	43,6	0	0	43,6	0,5	0,5	0	0,3
5	Макнуна	Пахта-ғаллачилик	19,2	18,7	0	0	18,7	0,3	0	0	0,2
6	Сайрам	Пахта-ғаллачилик	91,1	85,8	1,1	0	86,9	2,4	0,6	0,9	0
7	Оққўрғон	Пахта-ғаллачилик	73,8	69,1	0	0	69,1	2,5	0,3	0	0,4
8	Старт бетта	Пахта-ғаллачилик	70,1	66,2	0	0	66,2	1,2	0,2	0,4	0

5-жадвалнинг давоми

9	Кирсадок	Пахта-ғаллачилик	34,3	32,7	0	0	32,7	0,8	0	0	0
10	Шарқ тонги	Пахта-ғаллачилик	73,7	70,4	0	0	70,4	1,1	1,7	0	0
11	Коинот	Пахта-ғаллачилик	64,7	61,3	0	0	61,3	1,1	0	1,3	0,3
12	Омад	Пахта-ғаллачилик	72	69,7	0	0	69,7	1,2	1,1	0	0
13	Солотун сарвари	Пахта-ғаллачилик	63	60	0	0	60	0,6	0,9	0	0
14	Сиёб	Пахта-ғаллачилик	92,3	89,1	0	0	89,1	0,9	1	0	0
15	Ўролбой	Пахта-ғаллачилик	38	31,9	0	0	31,9	0,9	0,2	3,9	0,4
16	Ақром ўғли Тўлқин	Пахта-ғаллачилик	53,8	51,5	0	0	51,5	1,1	0	0	0
17	Арнасой карвони	Пахта-ғаллачилик	68,3	63,2	0	0	63,2	2,1	0,4	0	0,5
18	Арнасой толаси	Пахта-ғаллачилик	31,9	30,8	0	0	30,8	0,5	0,3	0	0
19	Арнасой тонги	Пахта-ғаллачилик	55,8	54,8	0	0	54,8	0,6	0,3	0	0
20	Сохибкор	Пахта-ғаллачилик	79,8	65,4	0	4,1	69,5	1,5	0,7	0	7,6
21	Бахриддин ота	Пахта-ғаллачилик	49,2	47,6	0	0	47,6	0,7	0,3	0	0

5-жадвалнинг давоми

22	Баховиддин бобо	Пахта-ғаллачилик	58,7	55	0	0	55	1,1	0,8	0	0,4
23	Мамаражаб ака Бўтаев	Пахта-ғаллачилик	65,5	62	0	0	62	1,6	0,4	0,3	0
24	Сомон йўли	Пахта-ғаллачилик	63,2	61,1	0	0	61,1	0,5	0,9	0	0
25	Нурнисо	Пахта-ғаллачилик	117,3	69,6	1,5	0	71,1	1,5	1,6	0,8	40,3
26	Нурли Замин	Пахта-ғаллачилик	65,9	64,7	0	0	64,7	0,4	0,5	0	0
27	Эгамзавқий	Пахта-ғаллачилик	39,5	20,6	0	0	20,6	0,5	0,1	0	17,7
28	Зико Санам	Пахта-ғаллачилик	110,2	106	0	0	106	1,2	0,8	0	0,9
29	Исоқ бобо	Пахта-ғаллачилик	104,9	101	0	0	101	1,6	0,8	0	0
30	Сайёрадаги ер осмони	Пахта-ғаллачилик	57,1	55,8	0	0	55,8	0,1	0,5	0	0
31	Шохрух Қўлдош ўғли	Пахта-ғаллачилик	34,2	33,5	0	0	33,5	0	0,4	0	0
32	Ташнасой	Пахта-ғаллачилик	54,1	52,7	0	0	52,7	0,5	0,1	0	0
33	Самандаров Сайдулла	Пахта-ғаллачилик	57,1	54,7	0,8	0	55,5	0,5	0,5	0,2	0,1
34	Каттабек бобо	Пахта-ғаллачилик	62,7	60,9	0	0	60,9	0,2	0,8	0	0,5
Жами			2147,8	1963	7,7	16,4	1987	34,2	17,3	10,4	70,4

5-жадвал маълумотларидан кўринадик, фермер хўжаликлари асосан, пахта-ғаллачилик йўналишларига ихтисослашган бўлиб, уларнинг умумий сони 34 нафар. Уларга бириктирилган умумий майдон 2147.8 га. Фермер хўжаликларининг ўртача ер майдони 70,57 га ташкил қилади.

1.4. Ирригация ва мелиорация тармоқлари тавсифи

Суғориладиган минтақаларда ирригация ва мелиорация шаҳобчалари туғрисидаги тўла маълумотларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Туркистон номли массивнинг далалари суғориш тармоқлари билан яхши таъминланган.

Асосий суғориш тармоғи “Бошканал” ҳисобланади. Суғориш тармоқлари ва зовурлар эгаллаган майдон 28,8 га ташкил этади. Хўжаликдаги суғориш тармоқларининг асосий камчилиги шундан иборатки, бу ариқлар ўзанининг асоси ер ҳисобланиб, инженерлик иншоотлари билан кам жихозланган. Каналларнинг асоси ер бўлганлиги сабабли вегетация даврида ортиқча, кўп миқдорда сув исроф бўлишига олиб келади. Массив ҳудудида бетон ариқлар ҳам мавжуд бўлиб, улар йиллар давомида таъмирланмаган, шу сабабли суғориш тармоқларининг ўртача фойдали иш коэффициенти 0,78 – 0,82 ташкил қилади. Умумий тақсимланган сувнинг 15 – 20 % ер остига сингади. Хўжаликнинг баъзи участкаларида мавжуд бўлган майда-майда суғориш тармоқларининг мавжудлиги, далалар ўлчамининг кичиклиги, далалар шаклининг ноқулайлиги сувнинг кўп миқдорда сарф бўлишига сабаб бўлмоқда. Суғориш тармоқлари, яъни ариқлар, каналлар ва зовурлар эгаллаб турган умумий майдон 46,4 га ташкил этади.

Массивда йўл тармоқлари эгаллаган майдон 22,3 га ташкил этади.

1.5. Аҳоли яшаш жойлари тавсифи

Массив ҳудудида жойлашган аҳоли пунктларида яшайдиган аҳолининг умумий сони 2830 одамни ташкил қилади. Аҳоли асосан “Олтин водий” қишлоғида истиқомат қилади. Бу қишлоқ бошқа массив қишлоқлари билан яхши йўл алоқасига эга. Шунингдек, мазкур қишлоқ туман маркази ёнида жойлашган бўлиб, аҳоли учун кўплаб қулайликларга эга. Қишлоқлардаги

аҳоли сони ҳамда қишлоқларнинг ободонлаштирилганлик даражаси 6-жадвалда келтирилган.

6- жадвал

Массивдаги аҳоли яшаш жойлари тавсифи

Қишлоқ номи	Оилалар сони	Аҳоли сони		Маданий маиший бино ва иншоотлар	Ободонлаштирилганлиги	Томорқа ер майдони, га
		Ҳаммаси	Меҳнатга яроқли			
Олтин водий	566	2830	1132	ҚФЙ, мактаб, боғча, Магазин, ҚВП, АЁҚШ, қишлоқ гузари, сартарошхона	Газлашган, электрлашган, ичимлик суви билан таъминланган	141,5

Дехқончилик тавсифи

Массив ҳудудида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятининг 2012 й. маълумотлари бўйича тахлили шуни кўрсатадики, асосий деҳқончилик тармоғи пахтачилик ва ғаллачилик ҳисоблангани ҳолда, сабзавот ва полиз экинлари ҳам мавжуд бўлиб, пиллачилик тармоғи ҳам ривожланмоқда. Фермер хўжаликларида етиштириладиган қишлоқ хўжалик экинлари таркиби тавсифи 7-жадвалда келтирилган.

7- жадвал

Фермер хўжаликларида экилган қишлоқ хўжалик экинлари таркиби

т/р	Экинлар тури	Экин майдонлари, га	Шу жумладан, % ҳисобида
1.	Пахта	1040,4	53
2.	Буғдой	824,5	42
3.	Сабзавот	58,9	3
4	Полиз экинлари	39,2	2

	Жами	1963.0	100.0
--	------	--------	-------

7-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, пахта экини билан банд майдон 1040,4 га бўлиб, умумий экин майдонларининг 53%, дон экилган экин майдонлар 824,5 га бўлиб, умумий ер майдонининг 42 %, сабзавот экинлари экин майдонлар 58,9 га бўлиб, умумий экин майдонининг 3 %, полиз экилган экин майдонлар эса 39,2 га ташкил этиб, умумий экин майдонининг 2% ташкил этади.

Ишлаб чиқаришни таҳлил қилишда экин майдонларининг миқдори билан бирга етиштирилган маҳсулотнинг миқдори, ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳам муҳим аҳамиятга эга, 8-жадвалда деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш бўйича маълумотлар келтирилган.


8- жадвал

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

Т/р	Экинлар тури	Майдони, га	Ҳосилдор- лиги, ц	Ялпи маҳсулот ҳажми, т
1.	Пахта	1040,4	20	2080,8
2.	Бугдой: дони	824,5	30	2473,5
	Сомони		25	2061,3
3	Сабзавот	58,9	50	294,5
4	Полиз экинлари	39,2	200	784
	Жами	1963.7		

Фермер хўжаликларида 2012 й 1 январгача 1132 меҳнатга қобилиятли киши мавжуд бўлган. Шундан 510 киши тўғридан-тўғри фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришида қатнашган. 622 киши эса бошқа ишлар билан банд бўлган. Массивда жами қишлоқ хўжалиги ерлари майдони 1987 га, шундан ҳайдалма ер майдони 1963 га ташкил этади ёки ҳар бир меҳнатга қобилиятли одамга ўртача 3,89 га фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги ер майдони, 3,85 га ҳайдалма ер майдони тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Жиззах вилояти
Арнасой тумани Олтин водий массивининг ер
турлари ва экинлар кўрсатилган
П Л А Н И



Шарти белгилар

- Ертин фойдаланишнинг шартлари - Айриқча чекловлар - Асосий экинчилик жойлари ва тоқималар қирғоқ - Жилва қирғоқлари 1. Ўйланган 2. Ўйланган ёки қилинган қирғоқлар - Дала экинчилик - Сўт шартли чекловлар - Дарёлар ва сув йўналишлари - Қирғоқлар, қирғоқлар ва ҳудудлар - Ойлар - Текис қирғоқ - Яшиллик ва экин қирғоқ - Дала қирғоқ 1. Қирғоқлар 2. Қирғоқлар - Айриқча чеклов шартли қирғоқлар 1. Дарёлар 2. Қирғоқлар - Текис ва қирғоқ қирғоқ - Чеклар - Ер - ўсти қирғоқлари - Ер - ўсти қирғоқлари - Айриқча	- Қирғоқ қирғоқлари - Текислик, тоқималар - Қирғоқлар, экинлик - Айриқча чеклов шартли қирғоқлар - Айриқча чеклов шартли қирғоқлар - Дала қирғоқлари - Қирғоқлар қирғоқлари - Иккинчи қирғоқлари - Тўрт қирғоқлар қирғоқлари - Сўт шартли қирғоқлар қирғоқлари - Қирғоқлар қирғоқлари - Иккинчи қирғоқлари - Билан - Тўрт қирғоқ - Сўт шартли қирғоқлар қирғоқлари - Айриқча чеклов шартли қирғоқлари - Текис қирғоқ - Қирғоқлар - Қирғоқлар қирғоқлари
---	---

Чегарадош ерлар изоҳномаси

А дан Б гана Арнасой тумани ер қирғоқлари
В дан В гана Я.Зардоб тумани қирғоқлари
Г дан Г гана Душанба тумани қирғоқлари
Д дан А гана Б.Файзулла тумани қирғоқлари

Масштаб 1:10 000
1 сантиметр 100 метр

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ 2013 йил			Масштаб ҳудудда намунавий лойиҳалар асосида қўйилган уй-жой учун ер ажратиш лойиҳаси Жиззах вилояти Арнасой тумани Олтин водий массиви		
БМ/Иш взучи	Лапасов Ж.	П Л А Н	Босқич	Варақ	Варақлар
Рақбар	Авезбаев С.		1	1	3
			Масштаб 1:10 000		
			Тўйи		
			ЕФ ва ЕК факультети		
			ЕТ ва ЕМ кафедраси		

Массивда мавжуд бўлган боғ майдонлари пахта-ғалла билан шуғулланувчи фермер хўжаликларига бириктирилган бўлиб улардан олинаётган маҳсулотлар миқдори 10-жадвалда келтирилган.

10- жадвал

Қишлоқ хўжалик ер турлари таркиби, ҳосилдорлиги ва ялпи маҳсулоти

Т/р	Қишлоқ хўжалик ер турлари	Майдони, га	Ҳосилдорлиги, ц/га	Ялпи маҳсулот, т
1.	Боғ	13,2	85	112,2

1.6. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари

Массивнинг ишлаб чиқариш фаолиятини баҳолаш учун асосан иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш лозим. Бунинг учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг умумий баҳосини аниқлаб олиш керак бўлади. 11-жадвалда массив ҳудудида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларида етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг умумий қиймати ва сотиладиган маҳсулотларнинг қийматлари келтирилган.

11-жадвал

Сотиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қиймати

№	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари номи	Миқдори, Т	Ўлчов бирлиги баҳоси, мингсўм	Умумий қиймати, минг сўм
1	2	3	4	5
1	Пахта	2080,8	900	1872720
2	буғдой: дони сомони	2473,5 2061,3	300 50	742050 103065
3	Сабзавот	294,5	500	147250
4	Полиз маҳсулоти	784	500	392000
5	Мева	112,2	500	56100
	Дехқончилик, жами		2750	3313185
6	Чорвачилик	6.9	5000	34500
	Жами			3347685

Массивда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари тавсифи 12-жадвалда келтирилган.

12- жадвал

Массивнинг асосий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори
1.	Ялпи маҳсулот қиймати	Минг сўм	3347685
	Шу жумладан: Дехқончилик	Минг сўм	3313185
	Чорвачилик	Минг сўм	34500
2.	Ишлаб чиқариш харажатлари	Минг сўм	2544240,6
	Соф даромад	Минг сўм	80344,4
	Рентабеллик	%	32

2012 й. якунлари бўйича фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотнинг умумий қиймати 3347685 минг сўмни, ишлаб чиқариш харажатлари 2544240,6 минг сўмни, соф даромад 80344,4 минг сўмни ва самарадорлик кўрсаткичи 32.0% ташкил этган.

ХУЛОСА.

Массивда фермер хўжаликлари иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлил қилиш натижасида фойдаланилаётган ер ресурслари ва уларнинг тупроқ таркиблари экилаётган экин турига мос келиши ҳамда ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун алмашлаб экиш дан фойдаланиш зарур.

Массивнинг ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун асослаш шўрланган ерларда мелиоратив ишларни кенг қўламда олиб бориш, нотекис экин майдонларида капитал текислаш ишларини олиб бориш ва сув билан кам таъминланган майдонларга янги суғориш тармоқларини ўтказиш зарур. Асосий ташкилий – хўжалик тадбирларидан ҳисобланган алмашлаб экишни қатъий жорий этиш натижасида унумдорлиги кам майдонларнинг унумдорлиги ошади, ерларнинг шўрланиши камаяди, ўсимликлар касалликлари йўқотилади, натижада экинлар ҳосилдорлиги ошади. Массив ҳудудида мавжуд бўлган боғ майдонларини кенгайтириш керак. Массивнинг табиий – иқтисодий шароити қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун қулайдир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан юқори ҳосил олишга салбий таъсир омилларидан бири бу тупроқ шўрланиши ва сув эрозиясидир.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун шўрланган ерларда шўр ювиш ишларини олиб бориш ва сизот сувлари яқин жойлашган ерларда мавжуд зовурларни тозалаш ёки янгисини қазиш керак.

2- БОБ. НАМУНАВИЙ ЛОЙХАЛАР АСОСИДА УЙ- ЖОЙ ҚУРИШ УЧУН ЕР АЖРАТИШ ЛОЙИХАСИ

2.1. Массив ҳудудидан намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш учун ажратиладиган ернинг ўрни ва майдонини аниклаш

Ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини ташкил этиш хўжаликлараро ер тузишнинг иккинчи турига киради, мазмунида ва усулларида ўз хусусиятларига эга.

Ер халқ хўжалигининг барча тармоқларини жойлаштириш ва уларнинг фаолият кўрсатишлари учун зарур тармоқлараро ресурс ҳисобланади. Ердан саноат корхоналари, энергетика объектлари, автомобил ва темир йўллари, электр узатиш ва алоқа тармоқлари, қувур ўтказгичлар, аҳоли яшаш жойлари, мудофаа, маданият, соғлиқни сақлаш объектлари қурилади. Шунинг учун, ҳар доим у ёки бу ноқишлоқ хўжалик корхоналарига, ташкилотларига, муассасаларига ер участкаларини ажратиш зарурати келиб чиқаверади. Бунда бутун халқ хўжалиги бўйича оптимал натижаларга эришишга ҳаракат қилиш керак.

Қишлоқларни ривожлантириш учун қўшимча ер участкалари қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун иложи борица қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш учун яроқсиз ерларда танланади. Қишлоқларнинг чегара чизикларини лойиҳалашда қуйидаги вазиятлар ҳисобга олинади¹:

бу чизикни иложи борица ҳудудни ташкил этишнинг мавжуд ёки лойиҳаланаётган чизикли элементлари (йўллар, каналлар, ихота дарахтлари полосалари) ва табиий тўсиклар (дарёлар, сойлар, жарликлар ва ш.у.) билан боғлаш керак;

қишлоқ периметри бўйлаб ўтадиган йўллар, унинг ерлари таркибига кирмайди;

қишлоқлар ерлари ва. йўллар орасида жойлашган ихота дарахтлари полосалари улар таркибига киритилади;

қишлоқ ерларига туташ умумий фойдаланиш учун мўлжалланган ўрмон ёки мавжуд ҳимоя дарахтлари массивлари чизик ичига киритилади;

¹ С.Авезбоев, С.Н.Волков. Ер тузишни лойиҳалаш. Дарслик. 143-145 б.

қишлоқ ерларига туташ ишлаб чиқариш марказлари участкалари унинг чизиғи ичига киритилмаслиги ҳам мумкин;

қишлоққа сув ҳавзалари туташ бўлса, чегара чизиғи унга ўнг қирғок бўйлаб ўтказилади;

чегара чизиғи иложи борида ерлар контурларини кесиб ўтмаслиги керак.

Лойиҳа планига (хўжалик ерлари плани га) қуйидагилар туширилади: қишлоқнинг чегараси чизиғи;

қишлоқ хўжалик ерлари участкалариниш чегаралари;

бегона ердан фойдаланиувчилар;

зарурат туғилганда олинадиган заҳира ер участкалари

Бажарилган ишлар натижасида ҳар бир қишлоқ ва қишлоқ маъмурияти бўйича ер тузиш иши шакллантирилади, унинг мазмуни лойиҳа таркибини аниқлайди.

Лойиҳа таркибига қуйидагилар киради:

қишлоқ маъмурияти (фуқаролар йиғини) ҳудудида қишлоқларнинг жойлашиши чизмаси;

ҳар бир қишлоқ бўйича қишлоқ маъмурияти ихтиёрига бериладиган ерлар чегараларини белгилашнинг лойиҳавий планлари;

қишлоқ маъмурияти ихтиёрига бериладиган ерларнинг белгиланган чегаралари ичидаги ерлар экспликацияси;

қишлоқ хўжалик ва бошқа корхоналар таркибидаи олиниб, қишлоқ маъмурияти ихтиёрига бериладиган, белгиланган чегаралар ичидаги ерлар экспликацияси;

экспликацияда ҳар бир қишлоқ ва бутун маъмурият бўйича маълумотлар келтирилади;

қишлоқлар чегаралари ичида жойлашган бегона ердан фойдаланишлар рўйхати;

ерлари олинганидан ва қишлоқ маъмурияти ихтиёрига берилганидан кейин қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва бошқа корхоналар фойдаланишида қоладиган ерлар экспликацияси;

тушунтириш хати;

лойиха материалларини келишиш ва тасдиклаш тўғрисидаги ҳужжатлар.

Лойиха, ҳудудларида қишлоқлар жойлашган манфаатдор ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар, “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси, архитектура назорати ва табиатни муҳофаза қилиш органлари билан келишилгандан кейин, қишлоқ маъмуриятида кўриб чиқилади, кейин эса белгиланган тартибда тасдиқланади.

Қишлоқ маъмурияти ихтиёрига бериладиган ерларнинг чегаралари улар жойлашишида ноаниқликлар бўлса (контурларнинг аниқ чегаралари йўқ), қишлоқ хўжалик ерлари контурларини қирқиш ва бурилиш нуқталарида белгиланган шаклдаги чегара белгиларини ўрнатиш йўли билан мустаҳкамланади.

Ташкил этилаётган намунавий қишлоқ майдонини белгилаш учун объектнинг жойлашиши чизмаси (ечимлар бўйича) ва бош плани чизмаси (лойихаси) керак бўлади. Участка майдонини ҳисоблашда ҳар хил усуллардан фойдаланилиши мумкин. Улардан биринчиси ҳар хил мақсадлар учун ерларни ажратиш меъёрларидан фойдаланишга асосланади.

Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш учун ажратиш учун ва ер ажратиш меъёрларида ҳар хил ерларда ва рельефнинг ҳар хил шароитларида жойлаштириладиган ҳар хил тоифалардаги йўллар учун ажратиладиган ер полосалари кенгликлари кўрсатилган. Бундай объектнинг умумий майдони энг аввало Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш учун ажратиладиган майдон ўлчамига боғлиқ бўлади. Юқорида келтирилган талаблар асосида массив ҳудудида икки ечимда ер участкалари танланди ва уларнинг майдонлари аниқланди.

Ечимлар бўйича ажратиладиган ер участкалари майдони ҳисоби 10-жадвалда келтирилган.

Ечимлар бўйича ажратилаётган ер майдонлари

т/р	Фермер хўжалиги номи	Ер тури номи	Майдони,га
I-Ечим			
1	Фориш	Хайдалма ер	5.04
II-Ечим			
1	Фориш	Хайдалма ер	5.04

10-жадвал маълумотларига кўра 1-ечим бўйича жами 5,04 га, шу жумладан кишлок хўжалик ер турларидан 5,04 га ер майдонини ажратиш режалаштирилса, 2-ечим бўйича ҳам жами 5,04 га, шу жумладан кишлок хўжалик ер турларидан 5,04 га ажратиш кўзда тутилади.

2.2. Массив ҳудудидан намунавий лойиҳалар асосида уй- жой қуриш учун ер ажратиш ва уни ҳудудда жойлаштириш

Лойиҳа тасдиқлангандан ва қурилиш учун маблағ ажратилганидан кейин қурилиш ташкилотлари ер ажратишни сўрайди. Сўровномага керакли ҳужжатлар билан бир қаторда биринчи ва иккинчи босқичлар орасида ишланган ерни рекультивация қилиш, унумдор қатламни ажратиб олиш, сақлаш ва кейинчалик фойдаланиш бўйича ишчи лойиҳалари, аҳолини кўчириш тўғрисидаги маълумотлар, туман ҳокимиятининг ерни фойдаланишга бериш шартлари ва бошқалар илова қилинади.

Туман ҳокимияти “Ўзгеодекадастр” давлат қўмитасининг хизматларини жалб этиб, зарур материалларни тайёрлайди ва ер участкасини олиш ва сўралган мақсад учун бериш тўғрисида қарор қабул қилади. Қарорда ажратиладиган ер участкасининг майдони, ер участкасини бериш шартлари ва бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Ер тузиш лойиҳасининг бу босқичида ишланган лойиҳага аниқлик киритилиши мумкин. Бундай тузатишлар қўшимча тарзда ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар билан келишилади.

Энг яхши ечимни топиш мақсадида, манфаатдор ташкилотлар ва корхоналар учун тўғри келадиган, жойлаштиришнинг бир неча ечимлари (вариантлари) кўриб чиқилади.

Қимматбаҳо қишлоқ хўжалик ва ўрмон ерларини, ҳудуднинг мавжуд ташкил этилишини сақлаш, ерларнинг аҳволи ва сифати ёмонлашишининг олдини олиш учун қуйидаги талабларга риоя қилиш керак:

ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини биринчи навбатда захира ерларида, қишлоқ хўжалиги ерларидан бошқа ерларда, қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз ёки унумдорлиги паст ерларда, ҳамда ўрмон билан қопланмаган, арзон баҳо дарахтлар ва буталар билан қопланган ўрмон фонди ерларида жойлаштириш;

мавжуд ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларни, айниқса қишлоқ хўжалик корхоналари ва фермер хўжаликларини ва улар ҳудудларининг ички ташкил этилишини бузмаслик ёки ушбу ва атрофдаги ерлардан фойдаланиш самарадорлиги ва маҳсулдорлигининг пасайишига бевосита ва билвосита олиб келадиган ўзгаришларни энг кам киритиш;

эрозия, ботқоқлашиш, сизот сувлари кўтарилиши жараёнларига, ерлар бузилиши ва ифлосланишининг бошқа турларига йўл қўймаслик бўйича чораларни кўриш;

қишлоқ хўжалиги ва бошқа корхоналарнинг хўжалик фаолияти шароитларининг ёмонлашишига олиб келадиган, уларга зарарлар ва ҳаражатлар келтирадиган салбий оқибатларга йўл қўймаслик.

Ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларининг ва бошқа объектларнинг лойиҳаланган участкалари чегаралари 1:10000 масштабдаги лойиҳа планига туширилади. Бу чегаралардаги ер участкалари майдони ҳисобланган майдонга тенг бўлиши ва ундан ошмаслиги керак. Агар ташкил этилаётган ер эгалиги катта майдонга ёки узунликка эга бўлса ва бир неча қишлоқ хўжалиги ва бошқа корхоналар ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларини қамраб олса, 1:25000 ёки кичикроқ масштабдаги умумий план тайёрланади.

Ердан фойдаланиш ва унинг айрим қисмларини жойлаштириш ечимлари ҳамда унинг чегараларини кейинчалик аниқлаш табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича меъёрий ҳужжатларга, ҳаракатдаги санитария-гигиена, архитектура-лойиҳалаш ва бошқа аниқ объектларни жойлаштириш ва қуриш бўйича меъёрлар, қоидалар ва кўрсатмаларга риоя қилиб ишланади.

Энг яхши ечим сифатида қишлоқ хўжалик ерларини кам сарфлайдиган ва муҳофаза қиладиган, мавжуд хўжаликлар ерларидаги ўзгаришлар минимал бўлган ва ташкил этилаётган корхона фаолиятига зарур ҳамма шарт шароитларни яратадиган ечим қабул қилинади.

Массивда ечимлар бўйича ер участкаларини жойлаштириш тавсифи қуйидагича:

I-ечим бўйича

Массив ҳудудидан “Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш учун ажратилиши лозим бўлган ер майдони биринчи навбатда аҳолига яқин бўлган қулай шарт-шароитга эга бўлган, яъни газ қувурига ичимлик суви кераклигини ҳисобга олиб, Олтин водий қишлоғининг шарқий чегарасида аҳоли пунктига яқин жойда 20- контурда жойлаштирилди.

II-ечим бўйича

Массив ҳудудидан “Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш учун ажратилиши лозим бўлган ер майдони биринчи навбатда Аҳоли пунктига яқин бўлганини ҳисобга олиб Олтин водий қишлоғининг шимолий чегарасида Маҳала гузарига яқин жойда 12-контурда жойлаштирилди.

Шартли белгилар

- Ертин фактлыгындагы чектөөлөр - Кызыл чектөөлөр - Азат жашаган жерлердеги чектөөлөр - Жаңы курулуштар 1. Жергиликтүү 2. Жергиликтүү - Даталык карталар - Сүт сыйыт чакыруу формасы - Даталык карталар - Кызыл, кызылдарды жеринде - Сыйыт - Текер жерлер - Кызылдардын жеринде - Даталык карталар 1. Жергиликтүү 2. Жергиликтүү - Жергиликтүү фактлыгындагы чектөөлөр 1. Жергиликтүү 2. Жергиликтүү - Промышленность - Чектөө - Ер - үстү жерлер - Ер - үстү жерлер - Автомобиль	- Кызыл чектөөлөр - Тармактар, жолдор - Буландык, аймактар - Бир жерде турган чектөөлөр - Бир же эки чектөө фактлыгындагы чектөөлөр - Текер жерлер - Даталык карталар - Кызылдардын чектөөлөр - Ички жерлер - Түткүмдүү чектөөлөр - Сыйыттын аймактарындагы чектөөлөр - Сыйыттын аймактарындагы чектөөлөр - Кызылдардын чектөөлөр - Ички жерлер - Вилла - Түткүмдүү - Сыйыттын аймактарындагы чектөөлөр - Сыйыттын аймактарындагы чектөөлөр - Ички жерлер - Тармактар - Кызылдардын чектөөлөр - Кызылдардын чектөөлөр - Кызылдардын чектөөлөр
---	---

А дан Б гана Арнасоҳ тумани ёр майдонлари
Б дан В гана Й.Зоридов массиви ерлари
В дан Г гана Дўстлик тумани ерлари
Г дан Д гана Палтаксор тумани ерлари
Д дан А гана Б.Файзуев массиви ерлари


Микъёс 1:10 000

м 100 0 100 200 300 м

1 сантиметрда 100 метр

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ 2013 йил			Массов ҳуруфда намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган ўқув учун ёржарий лойиҳаси		
			Жиззав виллати Арассой тумани Олтин водий массиви		
БМЙини взуучи	Паласов Ж.	ЛОЙИҲА	Босқич	Варақ	Варақла
Рахбар	Авезбаев С.		2	2	3
			Миқдос 1: 10 000 ТИМИ		
			ЕФ ва ЕК факультети		

Жиззах вилояти Арнасой тумани Олтин водий
массивида намунавий лойиҳалар асосида
қуриладиган уй-жой учун ер ажратиш
ЛОЙИҲАСИ
(2-ечим)



Чегарадош ерлари изоҳномаси

А дан Б гача Арнасой тумани ер майдонлари
Б дан В гача Й.Зардов массиви ерлари
В дан Г гача Дўстлик тумани ерлари
Г дан Д гача Пактавр тумани ерлари
Д дан А гача Б.Файзуев массиви ерлари

Масштаб 1:10 000
1 сантиметр 100 метр

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ		Массив ҳудудида намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жой учун ер ажратиш лойиҳаси	
2013 йил		Жиззах вилояти Арнасой тумани Олтин водий массиви	
Б.И.И.И.	Лапасов Ж.	Босқич	Варақ
Раҳбар	Авезбаев С.	2	3
		Масштаб 1:10 000	
		ЕФ ва ЕК факультети	
		ЕТ ва ЕМ кафедраси	

2.3. Массив худудидан намунавий лойиҳалар асосида уй-жой куриш учун ер ажратиш хужжатларини расмийлаштириш

Ноқишлоқ хўжалик корхоналарига ер ажратиш хужжатларини расмийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва бошқа ерга оид бўлган қонун хужжатлари ҳамда қонун ости меъёрий хужжатларига биноан бажарилади.

Ер майдони ажратиш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан кейин жойларда унинг чегаралари белгиланади, ердан фойдаланувчига ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат далолатномаси (акти) берилади. Фақат шундан кейингина участкадан фойдаланишга киришишга руҳсат этилади.

Ноқишлоқ хўжалик корхонасига қишлоқ хўжалик корхонаси худудидан ер ажратиш билан боғлиқ ер тузиш иши таркибига кирувчи хужжатлар қуйидагилардан иборат:

1. Ер участкасига талабгорнинг илтимосномаси ;
2. Фермер хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши баённомаси ;
3. Талабгорнинг ер тузиш ишини қўзғатиш бўйича туман ҳоқимига илтимосномаси ;
4. Ер участкасини жойида танлаш далолатномаси ;
5. Туман ҳоқимининг ер ажратиш бўйича қарори ;
6. Ер участкаси плани ;
7. Санитария – эпидимология хизмати хулосаси ;
8. Вилоят ҳоқимининг қарори ;
9. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг хулосаси.

III- БОБ. ЛОЙИҲАНИ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ АСОСЛАШ

3.1. Ер ажратиш натижасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши кўрадиган зарар миқдорини аниқлаш

Массивда бошқа тармоқлар корхоналарини жойлаштириш натижасида қишлоқ хўжалик ерларини олиш келтириб чиқарадиган қишлоқ хўжалиги зарарлари, янги ерларнинг тенг майдонини (уларда олинадиган ерларнинг унумдорлик даражасигача тупроқлар унумдорлигини ошириш ва уларни маданийлаштириш бўйича тадбирларни ҳисобга олиб) ўзлаштириш баҳоси ҳажмида қопланиши керак.

Янги ерларни ўзлаштириш деганда қуйидаги тадбирлар мажмуасини бажариш тушунилади:

янги хўжаликларни ташкил этиш;

қишлоқ хўжалигида фойдаланишга ноқишлоқ хўжалик ер турларини (бутазорлар, кам қимматли ўрмонлар, кесилган ўрмонлар ва бошқ.) киритиш; мелиорация ишларини ўтказиш (заҳни қочириш, суғориш, маданий-техник ва бошқа тадбирлар).

Янги ерларни ўзлаштириш баҳосининг миқдори ўзлаштириладиган ерларда, олинадиган участкаларда етиштириладиганидан кам бўлмаган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни таъминлайдиган меъёрлар бўйича аниқланади.

Зарарларни қоплаш ва янги ерларни ўзлаштириш баҳолари меъёрлари давлат томонидан белгиланади.

Шаҳарлар ерларини олишда бу меъёрларни оширувчи коэффициент кўлланилади (3 мартагача).

Ер турлари сифатининг ёмонлашиши келтириб чиқарадиган зарарлар қишлоқ хўжалик ерлари сифатининг пасайишига пропорционал тарзда, янги ерларни ўзлаштириш баҳолари меъёридан фоиз ҳисобида аниқланади. Меъёрлар шундай ҳисоб билан тузилиши керакки, бунда унумдор ерларни олиш жудаям қиммат, энг арзони - ноқишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш бўлсин. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг энг кам зарарини келтириб чиқарувчи жойлаштириш ечими яхши ҳисобланади.

Қирқиб олинган тупроқнинг унумдор қатламини кам унумли ёки унумсиз ерларга ётқизишда зарарлар меъёрининг 50 % ҳажмида қопланади.

Ер участкаларини қуйидагиларга ажратишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши зарарлари қопланмайди:

қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган ерларда мелиоратив тизимларни қуриш учун;

балиқчилик, балиқ урчитиш хўжаликлари, кўллари қуриш ва ш.ў. учун табиий яйловлар ва пичанзорларни ажратишда;

аҳоли яшаш жойлари чегаралари ичида шахсий уй-жой қуриш учун;

табиатни муҳофаза қилиш, табиий-қўриқхона, соғломлаштириш, рекреация ва тарихий-маданий мақсадлар учун;

бузилган ва заҳарли саноат чиқиндилари билан ифлосланган қишлоқ хўжалик ерларини консервациялашда, агар айбдорлар аниқланмаган бўлса ҳамда улар ерларни тиклаш бўйича зарур тадбирларни бажарган бўлса.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши зарарлари қишлоқ хўжалиги ердан фойдаланувчилари ва ер эгалари зарарлари эмас. Бу, ривожланишига давлат жавобгар бутун тармоқнинг зарари, шунинг учун улар айрим хўжаликлар бўйича эмас, балки бюджетга (маҳаллий) қопланади. Қопланган маблағлар қишлоқ хўжалик ерларини ўзлаштириш ва яхшилаш учун мақсадли фойдаланишга мўлжалланади.

Лойиҳада ер ажратилиши ҳисобига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши кўрадиган зарарни аниқлаш бўйича ҳисоб—китоблар 11-жадвалда келтирилган.

Ечимлар бўйича қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши кўрадиган зарар
ҳисоби

T/p	Ер тури номи	Майдони га	1га майдоннинг меъёрий киймати, минг сўм	Умумий киймати, минг сўм
I- ечим				
1	Хайдалма ер	Ер кодексининг 87-моддасига кўра ер участкалари якка тартибдаги уй-жой қурилиши ҳамда уй-жойни ободонлаштириш учун олиб қўйилганда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришининг нобудгарчиликлари қопланмайди		
II- ечим				
1	Хайдалма ер	Ер кодексининг 87-моддасига кўра ер участкалари якка тартибдаги уй-жой қурилиши ҳамда уй-жойни ободонлаштириш учун олиб қўйилганда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришининг нобудгарчиликлари қопланмайди		

3.2. Ер ажратиш натижасида қишлоқ хўжалик корхоналари кўрадиган зарар миқдорини аниқлаш

Ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланувчиларини жойлаштириш келтириб чиқарадиган зарарлари объектни жойлаштиришнинг ҳар бир ечими бўйича аниқланади. Улар, тўла ҳажмда, бузилган ишлаб чиқаришни тиклаш учун зарур давр ҳисобига йўқотилган фойдани ҳам қўшиб, қопланиши керак. Пулни зарар кўрган ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар олишади.

Ерларни сотиб олишда ер эгалиklarининг зарарлари, уларнинг тўла қиймати миқдорида қопланади.

Қуйидагиларнинг баҳолари қопланиши керак:

уй-жой бинолари, маданий-маиший мақсадларга мўлжалланган объектлар, ишлаб чиқариш ва бошқа бино ва иншоотлар ёки уларни янги жойга кўчириш бўйича ҳаражатлар;

мева-резавор, химоя ва бошқа дарахтлар;

тугалланмаган ишлаб чиқариш;
ердан фойдаланишдаги ноқулайликлардан (камчиликлардан) келиб чиқадиган харажатлар;
ерларнинг ёмонлашган сифатини тиклаш учун зарур харажатлар;
ердан фойдаланувчи ҳуқуқларининг чекланиши билан боғлиқ харажатлар;
бой берилган фойда.

Бинолар ва иншоотлар - тенг сифатли янги объектларни қуришнинг смета баҳоси бўйича; дарахтлар - кўчатлар ва уларни ўтқазиш ва мевалаш ёки шохлари туташа бошлагунча парваришлаш баҳоси бўйича, тугалланмаган ишлаб чиқариш - ҳақиқий бажарилган ишлар ҳажми ва харажатлар миқдори бўйича баҳоланади;

Пайдо бўладиган ноқулайликлар келтириб чиқарадиган зарарлар йўллар, кўприклар, дамбалар ва бошқа иншоотларни қуриш, ҳамда транспорт воситаларини сотиб олишга сарфланадиган бир марталик (капитал) харажатлар миқдори билан аниқланади.

Ёмонлашган ерларнинг сифатини тиклаш бўйича зарарлар лойиҳа ҳужжатларидан келиб чиқиб аниқланади ва ўз ичига махсус изланишлар ва қидирувлар, ҳамда ернинг сифатини тиклаш бўйича тадбирлар қийматини олади.

Бой берилган фойда бузилган ишлаб чиқаришни тиклаш учун зарур даврда ерлардан олинадиган йиллик даромад келишининг тўхташи билан боғлиқ бўлади. У шу даромад миқдорида бир марта қопланади. Бунда тикланиш даври узунлигига боғлиқ коэффициентдан фойдаланилади (1 йил - 0,9; 2 йил - 1,7; 3 йил - 2,5; 4 йил - 3,2; 5 йил - 3,8; 6-7 йил - 6 ва ш.ў.).

Ҳар йилги даромад ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми бўйича натурал кўрсаткичларда ва ерларни олиш вақтидаги ҳаракатдаги баҳоларда ҳисобланади.

Ечимлар бўйича қишлоқ хўжалиги корхоналари кўрадиган зарар ҳисоби

т/р	Контур рақами	Ер тури ёки қишлоқ хўжалик экини номи	Майдони, га	Хосилдорлик, ц/га	Ялпи Ҳосил,т	1 тонна харид нархи, сўм	Умумий қиймати, минг сўм	Фойда, Минг сўм	4 йил давомида бой берилган фойда
I- ечим									
1	20	Пахта	3,04	20,24	6,15	900	5535	1328,4	5313,6
		Ғалла	2,00	30,36	6,07	300	1821	437,04	1748,16
		Жами	5.04				7356	1765,44	7061,46
II- ечим									
1	12	Пахта	4,00	21,12	8,44	900	7596	1823,04	7292,16
		Ғалла	1,04	31,68	3,3	300	990	237,6	950,4
		Жами	5.04				8586	2060,64	8242,56

Ҳисобланган зарарлар ва харажатлар манфаатдор томонлар билан келишилади, келиб чиққан тортишувлар судда ечилади.

Ечимлар бўйича ер ажратиш натижасида қишлоқ хўжалик корхоналари кўрадиган зарар миқдорини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоблар куйидаги 12-жадвалда келтирилган.

12- жадвал маълумотларига ер ажратиш натижасида қишлоқ хўжалик корхоналари кўрадиган зарар миқдори 1-ечим бўйича 2-ечимга нисбатан 295,2 минг сўмга кам экан шу сабабли лойиҳа асоси сифатида 1-ечимни қабул қиламиз.

3.4. Лойиҳавий тадбирларни ижтимоий асослаш

Ер тузишнинг ижтимоий самарадорлиги ишлаб чиқариш ва ҳудудни ўзаро биргаликда ташкил этиш, биринчи навбатда қишлоқ хўжалик корхонасидаги моддий ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этадиган хўжалик юритиш шароитларини яхшилаш талабларидан келиб чиқади.

Ер тузишнинг ижтимоий самарадорлиги натижаси ер муносабатларини мустаҳкамлаш, ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ҳисобланади. Бу соҳага нисбатан ерга ижтимоий-иқтисодий алоқалар объекти сифатида қаралади. Хўжаликда ер тузишнинг ижтимоий самарадорлиги ишлаб чиқариш шароитларини ривожлантириш ва яхшилашга қаратилган. У аҳолининг ҳаёт, меҳнат, маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва дам олиш шароитларининг ўзгаришига ҳам олиб келади.

Ер тузишнинг ижтимоий самарадорлиги натижаси ер муносабатларини мустаҳкамлаш, ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ҳисобланади. Бу соҳага нисбатан ерга ижтимоий-иқтисодий алоқалар объекти сифатида қаралади. Хўжаликда ички ер тузишнинг ижтимоий самарадорлиги ишлаб чиқариш шароитларини ривожлантириш ва яхшилашга қаратилган. У аҳолининг ҳаёт, меҳнат, маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва дам олиш шароитларининг ўзгаришига ҳам олиб келади.

Хўжаликда ички ер тузиш лойиҳасининг ижтимоий шароитларга таъсири даражасини сон жиҳатдан баҳолаш етарли даражада мураккабдир, сабаби, кўп ижтимоий кўрсаткичлар сифат тавсифга эга. Шу билан бир каторда лойиҳанинг ижтимоий самарадорлиги қуйидаги натижаларга олиб келади деб ҳисоблаш мумкин:

унумсиз фаолиятни (техниканинг ўтишлари, айланишлари ва кириб-чиқишлари, техник хизмат кўрсатиш, одамларни ва юкларни ташиш, молларни ҳайдаш ва бошқ.) қисқартириш ҳисобига вақтни тежашга;

ишчилар бандлигини ошириш, ишларни бажаришнинг мавсумийлигини ва тиғизлигини текислаш, туриб қолишларни қисқартириш, меҳнат шароитини яхшилашга;

айрим ишчиларнинг ва меҳнат жамоаларининг, умуман корхонанинг ўзларига бириктирилган ерлардан ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан яхши фойдаланишдан манфаатдорликларининг ўсишига.

Бу ишчилар меҳнат унумдорлигининг сезиларли ўсишига, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайишига ва унинг таннархи пасайишига олиб келади. Истеъмол ва жамғармалар ўсади, қишлоқда ҳаётнинг ижтимоий шароитлари сезиларли яхшиланади.

Натижада ер тузишнинг барча турдаги самарадорликлари қишлоқ хўжалик корхонаси фаолиятининг иқтисодий натижаларида акс этади. Амалиёт кўрсатадики, хўжаликда ер тузиш лойиҳаларини ўзлаштирган хўжаликлар ишлаб чиқаришни бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига нисбатан тупроқлар унумдорлигининг тўхтовсиз ўсишида самаралироқ олиб боради.

Лойиҳавий тадбирлар бўйича сарфланадиган капитал ҳаражатлар

№	Тадбирлар номи	Ўлчов бирлиги	миқдори	Ўлчов бирлигига сарфланадиган ҳаражат, минг сўм	Жами сарфланадиган ҳаражат, минг сўм
1	Уй-жой қуриш учун	дона	20	120000	2400000
2	Маҳалла гузари	дона	1	100000	100000
3	Магазин	дона	1	50000	50000
4	Қишлоқ врачлик пункти	дона	1	75000	75000
5	Бошқа ҳаражатлар	15-20%		69000	5250
	Жами			414000	3150000

Ҳар йилги ҳаражатлар бино ва иншоотлар бўйича сарфланадиган амортизация ажратмалари ва эксплуатация ҳаражатларидан ташкил топади.

Амортизация ажратмалари капитал ҳаражатлар миқдоридан 2-3 % миқдорида олинади:

$$A_a = \frac{3150000 \cdot 3}{100} = 94500 \text{ минг сўм}$$

Эксплуатация ҳаражатлари капитал ҳаражатлар миқдоридан 3-4 % миқдорида олинади:

$$Э_x = \frac{3150000 \cdot 4}{100} = 126000 \text{ минг сўм}$$

Лойиҳанинг асосий техник – иқтисодий кўрсаткичлари

т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори		Фарқи +;-
			1-ечим	2-ечим	
1	Ажратилаётган майдон, жами	га	5.04	5.04	0
2	Қишлоқ хўжалик ер турлари майдони, жами Ш.ж.; хайдалма ер	га	5.04	5.04	0
		га	5.04	5.04	0
3	Ер ажратиш натижасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши кўрадиган зарар миқдори	минг сўм	Ер кодексининг 87-моддасига кўра ер участкалари якка тартибдаги уй-жой қурилиши ҳамда уй-жойни ободонлаштириш учун олиб қўйилганда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришининг нобудгарчиликлари қопланмайди		
4	Ер ажратиш натижасида қишлоқ хўжалик корхонаси кўрадиган зарар миқдори	минг сўм	7356	8586	
5	4 йил давомида бой берилган фойда	минг сўм	7061,46	8242,56	1181,1

ХУЛОСА

Битирув малакавий иши тасдиқланган топшириқ ва дастур асосида бажарилган бўлиб унда мавжуд қишлоқ хўжалик корхонаси ҳудудидан ноқишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун ер ажратиш билан боғлиқ бўлган масалалар кўриб чиқилган.

Топшириқда белгиланган вазифаларни бажариш учун биринчи навбатда ер намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун ер майдони ажратилаётган массивнинг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлари ўрганиб чиқилди. Сўнгра ушбу мақсадлар учун ер майдонларини ажратишнинг Ўзбекистон республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби ўрганиб чиқилди. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартиб асосида икки ечимда ер майдонлари танланди ва асосланди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майда қабул қилган 146-сонли қарори асосида ер ажратиш натижасида қишлоқ хўжалик корхонасининг кўрадиган зарари ва 4 йил давомида бой берилган фойда миқдори ҳисоблаб топилди. Бажарилган ҳисоб – китоблар 1-ечим бўйича ер майдонлари ажратилганда 2-ечимга нисбатан Фориш фермер хўжалиги кўрадиган зарар миқдори бир йилда 295,2 минг сўмга, тўрт йил давомида бой берилган фойда 1181,1 минг сўмга кам эканлиги аниқланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси” Т.: Ўзбекистон, 1992
2. И.А.Каримов, “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”, Т.: Ўзбекистон, 1995
3. И.А.Каримов, “Ўзбекистон XXI бўсағасида”, Т. Ўзбекистон 1997
4. И.А.Каримов, “Ўзбекистон буюк келажак сари”, Т. Ўзбекистон, 1998
5. И.А.Каримов, “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”, Т. Ўзбекистон, 2008
6. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”. Т.: Ўзбекистон, 1998
7. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами (I ва II қисмлар), Т.: Шарқ, 1998
8. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Давлат ер кадастри тўғрисида». Т.:1998
9. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Фермер хўжалиги тўғрисида» Янги таҳрир. Т.: Ўзбекистон, 2004
10. Аvezбаев С., Волков С.Н. «Ер тузишни лойиҳалаш» Т.: Янги аср авлоди, 2004
11. Аvezбаев С., Волков С.Н. «Ер тузиш иқтисоди». Т.: Янги аср авлоди, 2002
12. Аvezбоев С., Волков С.Н. « Ер тузишнинг илмий асослари» Т Янги аср авлоди, 2002
13. Бобожонов А.Р., Рахмонов Қ.Р., Ғофиров А.Ж. Ер кадастри. Дарслик. Т.: ТИМИ, 2008
14. Бобожонов Р.Д. Хаёт фаолияти хавфсизлигининг назарий асослари. Ўқув қўлланма. Т.: ТИМИ, 2005

15. Рустамбоев М.Х. ва бошқ. Ер ҳуқуқи. Дарслик – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002
16. Қудратов О., Ғаниев Т. Фавқуллода вазиятларда фуқоро муҳофазаси. Т.:Янги аср авлоди, 2005
17. Ғойипов Ҳ.Э. Меҳнат муҳофазаси. Т.:Меҳнат, 2000
18. Шодмонова Г., Абдуллаев З. Ер тузишда иқтисодий математик моделлар ва усуллар. Ўқув қўлланма. Т.: ТИМИ, 2007
19. Юнусов М.Ю., Икромов Э.Ж. Фуқоро муҳофазаси доимий зарурият. Ўқув қўлланма. Т.: 2002
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17 июнь 2010 йилдаги “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1354-сонли қарори.
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3 август 2009 йилдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1167-сонли қарори.
22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26 октябрь 2009 йилдаги “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси иштирокида уй-ойлар қуришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли қарори.
23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 1 майдаги “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши дастурини самарали амалга оширишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 116-сонли қарори.

ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ:

www.ziynet.uz

www.google.com/ru/uz

www.lex.uz

www.wikipedia.com/ru/uz

www.qsxv.uz

www.prom.kz Землеустроительное проектирование и организация землеустроительных работ.

www.18.rosfirm.ru Управления земельных ресурсов и землеустройства.

www.kadastr.ru Управление мониторинга земель, землеустройства и территориального планирования.

www.baseref.ru Управление использованием земель сельскохозяйственного назначения в условиях.